

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш
вазирлиги вазир ўринбосари – танлов
комиссияси раиси



Қ.И. Турсунов

2022 йил “ 04 ” июль

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг
танлов комиссияси йиғилишининг

1- сон

Б А Ё Н Н О М А С И

2022 йил “ 04 ” 07

Тошкент ш.

ҚАТНАШДИЛАР:

Қ. Турсунов	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги вазир ўринбосари, танлов комиссияси раиси
Д. Хабибуллаев	Иқтисодий ривожлантириш ва маркетинг бошқарма бошлиғи ўринбосари- танлов комиссияси аъзоси
У. Муминджанов	Ишлар бошқармаси бошлиғи - танлов комиссияси аъзоси
С. Гушин	Камплаенс-назорат ва ички аудит бўлими бош мутахассиси - танлов комиссияси аъзоси
Ж. Каландаров	Ахборот хизмати бошлиғи - танлов комиссияси аъзоси

КУН ТАРТИБИ:

Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг давлат харид тизимини аудитдан ўтказиш” хизмати бўйича муҳокама учун жойлаштириш
(Хабибуллаев, Муминджанов, Гушин, Каландаров)

Кун тартибига қўйилган масала юзасидан комиссия аъзоси - Камплаенс-назорат ва ички аудит бўлими бош мутахассиси (Гушин) сузга чиқиб, Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг давлат харид тизимини аудитдан ўтказиш” хизмати бўйича шартнома тузиш кераклигини таъкидлаб ўтиб, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг dxarid.uzex.uz сайтида 107717-сонли лот рақами берилганлиги маълум қилди. Тақдим этилган иккита корхона таклифлари билан комиссия аъзолари атрофлича таништириб чиқилди.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий бошқарма бошлиғи ўринбосари - танлов комиссияси аъзоси Д. Хабибуллаев УРҚ-684 - сонли “Давлат харидлари туғрисида”ги қонуннинг талабларига қатъий риоя қилиш бўйича ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни мақсадли тарзда фойдаланишлари лозимлиги туғрисида тушунтириш бериб ўтди.

Харид комиссияси аъзоларида мазкур 107717 - сонли лот иштирокчилари билан аффилиланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг (ЎРҚ-684-сон, 22.04.2021й.) 23-моддасига кўра, иштирокчи ва унинг аффилиланган шахси мазкур 7180508 -сонли лотда иштирок этмаяпти.

Муҳокамага қўйилган масала юзасидан 2 (икки) иш куни давомида ҳеч қандай таклифлар келиб тушмади ва норозиликлар билдирилмади.

Маълумотлар stat.uz саҳифаси орқали текширилди.

Таклиф этилаётган нархлар қуйидагича белгиланган.

1. “NAZORAT-AUDIT” МСНЖ АТ– 90 000 000 сўм, ҚҚСсиз.
2. “AUDIT FAIR SERVICES” – 80 000 000 сўм, ҚҚСсиз.
3. “EXPERT-AUDIT” ХК – 78 000 000 сўм, ҚҚСсиз.
4. “ТТТ-AUDIT” МЧЖ АТ – 53 000 000 сўм, ҚҚСсиз.
5. “MASLAXATAUDIT-M” МЧЖ – 70 000 000 сўм, ҚҚСсиз.
6. “XB FINANSE KONSULTING” МЧЖ АУД – 95 000 000 сўм, ҚҚСсиз.

Комиссия аъзоларининг хулосасига кўра “ТТТ-AUDIT” МЧЖ АТ корхонаси таклиф қилган нархлар энг паст деб топилди.

Комиссия қарор қилади:

1. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг давлат харид тизимини аудитдан ўтказиш” бўйича хизмати учун “ТТТ-AUDIT” МЧЖ АТ корхонаси таклифи бир овоздан маъқуллансин.

2. “ТТТ-AUDIT” МЧЖ АТ танлов ғолиби деб топилсин ва ушбу корхона билан шартнома имзолаш мақсадга мувофиқ деб белгилансин.

Ушбу баённома ижроси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг бош бухгалтери И. Мвланов зиммасига юклатилсин.

Танлов комиссияси аъзолари:

Д. Хабибуллаев

У. Муминджанов

С. Гушин

Ж. Каландаров

Танлов комиссияси котиби:

Х. Исанкабулов

ШАРТНОМА F № 02/2022
(Давлат харид тизимини аудитдан ўтказиш)

04 июль 2022 й

Тошкент ш

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «ТТТ-AUDIT» (JPA INTERNATIONAL) аудиторлик ташкилоти кейинги ўринларда «Ижрочи» деб юритилади, Низом асосида ҳаракат қилувчи бош директор **Ботиров М.Х** бир томондан ва **Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги**, кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади, Низом асосида ҳаракат қилувчи **вазир ўринбосари Қ. Турсунов** иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ижрочи Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4812-сон қарорига асосан давлат харид тизимини аудитдан ўтказиш, Буюртмачи эса шу бажарилган ишларни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Ижрочи томонидан бажарилиши керак бўлган ишларнинг ҳажми ва предметини Буюртмачи ва Ижрочи ўртасидаги келишувга биноан, аудит бошланишидан олдин Ижрочи томонидан тақдим этиладиган аудит режасида белгиланади. Аудит давомида Ижрочи мутахассисларига ушбу Шартномада кўрсатилмаган бошқа вазифаларни топширишга йўл қўйилмайди.

2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ШАРТЛАРИ

2.1. Шартноманинг умумий суммаси ҚҚС билан бирга 53 000 000 (Элли куч миллион) сўм миқдорида белгиланади.

2.2. Тўлов тартиби ва шакли:

Шартнома суммасининг 30 фоизи миқдорида олдиндан тўлови 15 900 000 (ўн беш миллион) сўм иш бошланишидан камида 10 банк куни олдин амалга оширилади;

Шартнома суммасининг қолган 70% миқдоридаги қолган сумма ҳисоб-фактура берилган ва имзоланган якуний далолатнома тақдим этилган кундан бошлаб 10 банк куни ичида тўланади.

2.3. Ижрочи олдиндан тўловини амалга оширилгандан сўнг 7 (етти) иш куни ичида якуний далолатнома тақдим этиши шарт.

3. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЙАТЛАРИ

3.1. Ижрочининг мажбуриятлари:

3.1.1. Ўз кучи ва маблағлари ҳисобидан ушбу шартномада кўрсатилган муддат ва ҳажмда барча ишларни бажариш ва топшириш;

3.1.2. Импорт харидлари аудитини ўтказиш;

3.1.3. Буюртмачи томонидан хабар берилганда хулосада аниқланган камчилик ва хатоликларни 20 кун муддатда бартараф етиш.

3.2. Ижрочининг ҳуқуқлари:

3.2.1. Буюртмачидан бажарилган ишлар учун ушбу шартномада кўрсатилган тартибда ва муддатларда ҳақ тўлашни талаб қилиш;

3.2.2. Аудит ўтказиш учун зарур ҳужжатларни Буюртмачидан олиш.

3.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.3.1. Шартномада ва унинг ажралмас қисми ҳисобланувчи бошқа ҳужжатларда белгиланган ҳажмда ва муддатда Ижрочидан бажарилган ишлар натижасини қабул қилиш;

3.3.2. Ушбу шартномада кўрсатилган муддатда ва тартибда ҳақ тўлаш.

3.4. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

3.4.1. Ижрочи томонидан ишларни ўз вақтида бажарилишини талаб қилиш.

3.4.2. Ижрочидан хулосада аниқланган камчилик ва хатоликларни бартараф этишни ёки талаб қилиш.

3.4.3. Ижрочи ва Буюртмачи қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга ега бўлиши мумкин.

4. Антикоррупцион шартлар

4.1. “Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш доирасида томонлар коррупцияга қарши курашиш қоидаларига, шу жумладан амалдаги қонунчиликка риоя этилишини таъминлайдилар; бунда ўз ходимлари, филиаллари, бенефициарлари ва уларнинг шериклари, шартномани амалга ошириш бўйича контрагентларини пора бериш ёки олиш, тижорат порахўрлик, пора олишда воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий фойда олиши, давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ходимларига пора беришдан воз кечишларини таъминлаши керак”.

4.2. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўришни кафолатлайди. Томонлар коррупцияга қарши кураш қоидалари бузилган ёки асосли шубҳа туғилганда бир-бирларини дарҳол ёзма равишда (Шартномада кўрсатилган электрон почта орқали) хабардор қилиш мажбуриятини оладилар. Томонлар вазиятга оидинлик киритиш мақсадида ёзма тушунтириш талаб қилишга ҳақли, мурожаатни қабул қилган томон эса 10 (ўн) иш куни ичида ўз фикрини баён этиши ёки изох бериши мумкин.

4.3. Ушбу модданинг талаблари, шу жумладан, коррупция хавфини белгиланган муддатда бартараф этиш, томонлар томонидан коррупцияга оид вазиятнинг пасайишига олиб келмаган чоралар кўрилмаган тақдирда, бошқа томон шартномани тугатишга ёки унинг бажарилишини тўхтатишга ҳақли.

4.4. Ушбу моддада назарда тутилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилишни талаб қилган тарафга етказилган зарарни қоплаш ушбу шартноманинг 4-бандида назарда тутилган тартибда амалга оширилади, ушбу моддада назарда тутилган мажбуриятларни бузган томон эса шартномани бир томонлама бекор қилиш натижасида етказилган зарарлар учун компенсация талаб қилишга ҳақли эмас.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни ва бой берилган фойдани қоплайди.

5.2. Буюртмачи тўлов интизомини бузган тақдирда тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган пул суммасининг 0,4 % миқдориди, лекин кечиктирилган пул суммасининг 50 % идан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

5.3. Ижрочи томонидан ишларни бажариш ва топшириш Буюртмачининг розилигисиз ушбу шартномада кўрсатилган муддатларда амалга оширилмаган тақдирда ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома умумий баҳосининг 0,4 % миқдориди, лекин унинг 50 %дан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

5.4. Неустойкани тўлаш тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки етарли даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир. Бундай ҳолатлар жумласига эпидемиялар, табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар кирази.

6.2. Уз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф энгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва унинг шартнома буйича мажбуриятларни бажаришга таъсири ҳақида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим. Агар энгиб бўлмас куч ҳолатлари узлуксиз 15 кун давомида амал қилиб турса ва яқин муддат ичида бекор қилиниши эҳтимоли бўлмаса, мазкур шартнома тарафлардан бирининг ташаббуси билан иккинчи тарафга ёзма билдиришнома юбориш йули билан бекор қилиниши мумкин

7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Ушбу шартнома буйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар музокаралар асосида ёки талабнома билдириш тартибига риоя қилинган ҳолда ҳал этилади.

7.2. Билдирган талабномасига қонунда белгиланган бир ойлик муддат ичида жавоб олмаган ёки талаблари қаноатлантирилмаган тақдирда, ҳуқуқи бузилган деб ҳисобловчи тараф низони ҳал қилиш учун даъво аризаси билан судга мурожат қилишга ҳақли.

8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қушимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Мазкур шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган асосларга қўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

8.3. Шартномани бир тарафлама бекор қилишга Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади.

8.4 Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 30 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

9. БОШҚА ШАРТЛАР

9.1. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха ҳам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

9.2. Шартнома тарафлар уни имзолаган кундан бошлаб, шартнома Молия вазирлигининг газначилик бўлимларида рўйхатга олиниши лозим бўлганда, тегишли газначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022-йил 31 - декабргача амал қилади.

10. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

“ИШ БАЖАРУВЧИ“

МЧЖ “ТТТ- AUDIT” АТ

Фаргона ш. Янгиобод- 5 уй
ХАБ «Trast bank» Фаргона ш
Х/Р 2020 8000 1009 2188 6001
МФО 01123 ИНН. 202 216 926
ОКЭД: 69202
ҚҚС код: 330050137061
моб: +99891 651 8013

БОШ ДИРЕКТОР:

Ботиров М Х



“ БУЮРТМАЧИ “

Корхона; Уй жой коммунал хизмат кўрсатиш
вазирлиги

Манзил: Тошкент ш. Юнусобод т Ниёзбек ёли -1 уй
Банк МБ ХККМ Тошкент ш
Ш/х/в 401010860262667069100110001
МФО 00014
ИНН 304931516

ҚҚС код: _____

Тел: _____

КОРХОНА РАХБАРИ:

(имзо)

Юристкаонсулт:




**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGI**

O'zbekiston Respublikasida audit firmalar
(auditorlar) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi
haqida

G U V O H N O M A

« 01 » may 2001
199__ y.



Ushbu guvohnoma berildi МАСЪУЛИЯТ ЧЕКЛОВ
ДАВЛАТ РАХИШЛИК ШАКЛИДАГИ "ТТТ - АУДИТ"
АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

shu haqdakim, u O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi
tomonidan ro'yhatga olindi.

Ro'yhat № 335

Ro'yhatga olish vaqti

« 12 » may 199__ y. M.O:



HUJJAT ASLIGA TO'G'RI

**Bosh direktor
M.H.Botirov:**

**THE MINISTRY OF JUSTICE OF THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN
C E R T I F I C A T E**

of state registration of auditor companies
in the republik of Uzbekistan.

« 01 » 05 2001
199

This certificate was given _____

registered by the Ministry of Justice of the Republik of Uzbekistan

Register # 335

Date of registration

« 12 » 03 199

Stamp





Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"TTT-AUDIT" Mas'uliyati cheklangan jamiyat Auditorlik tashkiloti

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"TTT-AUDIT" MChJ AT

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

20.03.2015

335

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

202216926

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Farg'ona viloyati, Farg'ona shahri, Yangiobod ko'chasi 5 uy,

Guvohnoma:

Farg'ona viloyati, Farg'ona shahri, DAVLAT XIZMATLARI tomonidan
MARKAZI berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



HUJJAT ASLIGA TO'G'RI

Bosh direktor

M.H.Botirov:



Hayat F. 2020

ЛИЦЕНЗИЯ НА АУДИТОРСКУЮ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ



Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги
Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун
ЛИЦЕНЗИЯ

Серия АФ № 00773

20 19 йил 05 апрель

Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги 20 19 йил
05 апрел даги 396-аф -сон буйруғига мувофиқ

МChJ shaklidagi «ТТТ-AUDIT» auditorlik
(аудиторлик ташкилотининг номи)
tashkiloti Фаргона шаҳри, Янгиобод кўчаси,

5-уй СТИР **202216926** га
(аудиторлик ташкилотининг юртимизи ва СТИР)

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аудиторлик фаолиятини
амалга оширишга рухсат берилди.


Д.Ш.Султанов

Ваколатли шахснинг Ф.И.Ш. ба имзоси

М.У.

Аудиторлик ташкилотини қўриқ 2008 йил 25 февралда берилган 00327-сонли
лицензияга эга бўлган



Министерство финансов Республики Узбекистан
ЛИЦЕНЗИЯ
на осуществление аудиторской деятельности

Серия АФ № 00773


05 апреля 20 19 года

В соответствии с приказом министра финансов Республики
Узбекистан от 05 апреля 20 19 года № 396-аф

аудиторской организации «ТТТ-AUDIT»
(акционерная аудиторская организация)
в форме ООО г.Фаргона, ул.Янгиобод, д.5

ИНН 202216926
(почтовый адрес и ИНН акционерной организации)

разрешается осуществлению аудиторской деятельности на
территории Республики Узбекистан.


Д.Ш.Султанов

Ф.И.О. и подпись уполномоченного лица

М.П.

Лицензия на осуществление аудиторской деятельности № 00327 от 25 февраля
2008 года